РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ВА НЕМИС-МЕННОНИТЛАР ТАҚДИРИ

(XIX аср охири – XX аср бошлари)

Ж.Ш.Ҳайитов

Мақолада XIX асрнинг охирги чорагида Туркистон минтақасига кўчиб ўтган немис-меннонитлар ҳаёти, турмуш тарзи, хўжалиги, тарихий тақдири мавжуд манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *кўчириш сиёсати, Сирдарё вилояти, Каспийорти вилояти, Хива хонлиги, немис-меннонитлар, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, ёлланма ишчи, тадбиркор.*

В данной статье анализируются на основе источников сведения об исторической судьбе немцев-меннонитов, об их хозяиственной деятельности.

Ключевые слова: *переселенческая политика, Сырдарьинская область, Закаспийская область, Хивинское ханство, немцы-меннониты, земледелие, скотоводство, ремесленничество, предприниматель.*

The given article presents the analysis of the data on the historical destiny of German - Mennotites and the economic activities on the basis of certain sources.

Key words: *resettlement policy, Syrdarya region, Transcaspian region, Khiva khanate, German mennoties, hired workers, dekhkan farms, cattle breeding, agriculture, craftsmanship, businessman, industrious, disciplined, Turkestan cotton, prices.*

Кириш: Россия империяси Туркистонни истило қилганидан сўнг, марказий ҳукумат сиёсатида «пахта масаласи», «темирйўллар қуриш», «суғориш», мамлакат Европа қисмидан «аҳолини кўчириш» кабиларга алоҳида эътибор берилди. Чоризм сиёсатининг асосини «Пахта – бу Туркистон, Туркистон – бу пахта» шиори ташкил этиб, бутун бир минтақани хом ашё базаси ва саноат маҳсулотларини сотадиган бозорга айлантириш мақсади кўзланганди.

XIX асрнинг 60–70-йилларида Туркистонга аҳоли асосан Астрахань, Харьков, Воронеж, Оренбург ва Самара губерняларидан кўчирилди. Кейинчалик, қўлида «ўтиш гувоҳномаси» бўлмаганлар ҳам ўз ихтиёрларича жанубга кўчиб келавердилар. Улар Туркистон вилоятларида рус қишлоқлари ва посёлка (селения)ларини ташкил этдилар [6.57]. 1892 – 1893 йилларда Волгабўйидаги очарчилик ва ҳосилсизлик ҳамда қашшоқлик омиллари туфайли Туркистонга кўчувчилар оқими кучайди.

Туркистонга аҳолини кўчириш Еттисув вилоятидан бошланган бўлиб, аввало ҳарбий хизматдан истеъфога чиққан зобит ва солдатлар, казаклар жойлаштирилди. 1844 – 1864 йилларда Еттисув вилоятидаги 14 та станцияга 15 минг сонли казаклар кўчирилди. 1869 йилда эса 50 деҳқон хўжалиги Еттисувга кўчирилди. 1876 йилдан Шарқий Европа аҳолисини (рус, украин, белорус ва ҳ.к.) Сирдарё вилояти уездларига кўчириш бошланди. XX аср бошларида давлат режаси асосида кўчирилганлар ва режасиз ихтиёрий кўчганлар сони Фарғона вилоятида 700 оилани ташкил этиб, уларнинг 10 та посёлкаси бор эди. Кўчирилганлар сони йилдан-йилга ошиб борди ва 1910 йил 1 январда Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг ҳудудларида кўчиб келганларнинг 131 та посёлкаси ташкил этилиб, улар сони 45 минг оила, яъни аҳолининг 1 % ни ташкил этарди [1.343–344]. Туркистон генерал-губернаторлиги кўчирилганларга бир қатор имтиёзлар бериб, уларнинг ҳар бир оиласига 100 рубль миқдорида пул, 10 десятина (1 десятина – 1,09 гектар)гача, кейинчалик 5–6 десятинагача ер майдонлари ажратди.

Туркистонга кўчирилган аҳоли орасида немис миллати вакиллари ҳам бор эди. Улар кам сонли бўлса-да, ўлканинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида сезиларли из қолдирдилар. Ушбу мақолада минтақамизга XIX аср охирида кўчиб ўтган меннонит-немислар ва уларнинг тарихий тақдири ҳақида мухтасар фикр юритилади.

Мақоланинг асосий мазмуни. Ўрганилаётган тарихий даврда Туркистон генерал-губернаторлиги тасарруфидаги Еттисув, Каспийорти, Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига немис миллатига мансуб меннонит, лютеран, ариан диний мазҳабидаги кишилар кўчиб ўтган. Меннонит-немислар тарихи ҳақида мухтасар фикр юритишни лозим топдик. XVI аср 30–йилларида Нидерландиядаги ислоҳотлар даврида меннонит-немисларнинг дастлабки жамоалари вужудга келиб, бу диний мазҳаб бошида руҳоний Менно Симонс (1496–1561) турган. Меннонитларда имкон қадар бошқа диний жамоалар билан алоқа қилмай алоҳида яшаш, ўзгалар билан иш юзасидангина мулоқотга киришиш, жамоада бир-бирлари билан биродар бўлиб, меҳнатга, касбга жиддий муносабатда бўлиш, илм ва савод чиқаришга интилиш, деҳқончилик қилиб кун кўриш, ҳарбий ва ҳукуматни бошқариш ишларида мутлақо қатнашмаслик, беғаразлик ва ахлоқ қонун-қоидаларига қатъий риоя этиш, қўшнилар билан тинч-тотув, муроса қилиб яшаш кабилар етакчилик қилган. Таъқиб ва тазйиқлар туфайли улар Нидерландиядан Шимолий Германия, Польша, ва Пруссияга кўчиб ўтишган. XVIII аср 60–йилларида меннонит-немислар сиёсий тазйиқлар туфайли Пруссиядан Россия империясига қочиб келганлар. XIX аср охирида немис-меннонитлар «Биродар меннонитлар» ташкилотини тузишди. 1880 – 1884 йилларда немис-меннонитлар Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятлари ҳамда Хива ва Бухорога кўчиб ўтдилар. Улар Ўрта Осиё тинч, осойишта, меҳнат қилиб тўқ ва фаровон яшаш учун қулай ҳудуд деб ҳисобладилар. 1890 – 1892 йилларда Волга бўйларидаги қурғоқчилик ва очарчилик туфайли Тошкентдан 30 км узоқ масофада жойлашган Константиновское (кейинчалик Тоболино) қишлоғида 100 оилали немис-меннонитларнинг Гнаденталь–Владемировка, Гнаденфельд–Андреевка, Кенпенталь–Романовка каби немисча ва русча номланадиган аҳоли пунктлари вужудга келди [5.22–23]. Сирдарё, Каспийорти, Фарғона вилоятлари ва Хива хонлиги ҳудудида ҳам немис-меннонитлар истиқомат қилиб, ўзларининг жамоаларини ташкил этганлиги, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатларида миллий жиҳатлар сақланганлиги, шунингдек, маҳаллий аҳоли кундалик ҳаёти билан трансформациялашув жараёнлари ёзма манбаларда қайд қилинган.

Немис-меннонитлар 1892–1893 йилларда Россия империясининг Волгабўйи ҳудудларидан Сирдарё вилоятининг Авлиёота уездига кўчиб ўтишган. Улар 500 жон атрофида бўлиб, 5 та аҳоли пунктига (колониясига) бўлинган. Меннонитлар кўчиб келган пайтларида моддий ночор бўлганлари туфайли асосий эътиборни иқтисодиётга, яъни моддий турмушларини ўнглашга қаратишган. Меҳнатсеварлик, онгли, узоқни кўзлаб фаолият юритиш, жамоада оқсоқолга бўйсуниш, қатъий тартибга риоя қилиш, савод чиқариш мажбурийлиги каби тамойиллар улар ҳаётида ёзилмаган қонун бўлган. Шу сабабли немис-меннонитларнинг қишлоқлари рус қишлоқларига нисбатан обод, аҳолиси ўзига тўқ бўлган. Авлиёота немислари жамоа маблағи ҳисобидан мактаб барпо қилиб, ҳар бир қишлоқнинг ўз мактаби ва ўқитувчилари бор эди. Уларда мактабга қатнаб саводли бўлиш барчанинг мажбурияти эди. Ўқувчилар мактабда нафақат «худо қонунлари»ни (диний билимларни – Ж.Ҳ.) қолаверса, немис ва рус тилларини, арифметика, география, адабиётни, ахлоқ-одобни ҳам ўрганганлар. Немисларнинг ўз матбуот органи бўлмаса-да, АҚШ

меннонитлари томонидан чоп этилган, асосан диний масалалар кўтарилган газеталарни ўқиб туришган. Ушбу газеталар муҳожирлар, сайёҳлар, савдогарлар томонидан Авлиёотадаги немис-меннонит қишлоқларига турли йўллар билан олиб келинар эди. Меннонитлар деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик билан шуғулланган, баъзилари шаҳарга бориб тадбиркорлик билан ҳам машғул бўлишган. Авлиёота меннонитлари ҳаётини ўрганган жаноб Гейёрнинг ёзишича, чорвачиликнинг чўчқачилик соҳаси уларнинг хўжалигида яхши тараққий қилган. Сигир ва қўй парваришлашда меннонитлар устаси фаранг бўлиб, пахта экиш тажрибасига эга бўлмаганлари учун бу борада муваффақиятга эриша олмадилар [2.3–4].

Туркистон генерал-губернаторлигининг Каспийорти вилоятида, Ашхаободдан 90 чақирим узоқликда жойлашган ҳудудда 1892–1893 йилларда империянинг Саратов губерниясидан кўчирилган немис-меннонитларнинг Саратовка қишлоғи бўлган. Саратовка қишлоғидаги немислар 18 хўжалик (оила) бўлиб, 83 жонни ташкил этарди. Бу немис-меннонитлар ҳар бир оиласига янги колонияда ўрнашиб олиш учун давлат томонидан 100 рубль миқдорида ёрдам пули берилган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликдан узоқ бўлганлари учун улар лалмикор деҳқончилик билан шуғулланишган. Саратовкалик немислар 1894 йилда 55 десятина ерга буғдой, 5 десятина ерга арпа экиб, 1 десятина ердан 15 пуд (1 пуд – 16 кг) буғдой, 30 пуд арпа олишган. Саратовка қишлоғида истиқомат қилувчи немис-меннонитлар чорвачиликнинг қорамолчилик ва чўчқачилик соҳаларида катта ютуқларга эришганлар. Улар парваришлаган сигирлар 30 – 40 литргача сут берган. Чорва моллари учун беда етиштириладиган кенг майдонлар барпо этилган, ёввойи ўт-ўланлардан пичан ғарамлари қилишарди ва ғарамлар сонига қараб ҳар бир немис-меннонит нечта қорамолга эга эканини билиб олиш қийин эмасди. Немис-меннонитлар паррандачилик, айниқса, курка парваришлашда устаси фаранг бўлишган. Уларнинг ҳар бир хўжалигида 5 – 6 та қорамол, 30 – 40 тагача курка парваришланган. Чорва махсулотлари (гўшт, сут, сметана, қаймоқ – Ж.Ҳ.)ни мўл-кўл етиштирган немис хўжаликлари эҳтиёжларидан ортиқча товарни Ашхабод шаҳри бозорида сотишган ёки ҳарбий гарнизонлар учун маҳсулот харид қиладиган дўконларга белгиланган нархларда топширишган. Айрим немислар тегирмонларга эга бўлиб, уларда 3–4 киши меҳнат қилган. Саратовка меннонитлари хўжалик ҳаётида боғдорчиликнинг роли ҳам муҳим бўлган. Улар шахсий томорқасида олма, малина, смородина, крижовник каби экинлардан мўл-кўл ҳосил етиштиришган. Хўжалик тармоқларидан узумчилик, картошка, помидор, шоли етиштириш билан ҳам шуғулланган меннонитлар 1 десятина ердан 500 центнер картошка, шолидан 100 центнер ҳосил олишган [2.5]. Айрим манбаларда картошка, помидор, бақлажон каби янги экин навлари минтақамизга немис-меннонитлар томонидан олиб келингани қайд этилган. Бироқ ушбу маълумот тарихий ҳақиқатдан йироқ бўлиб, В.И.Кушелевский: «Картошканинг маҳаллий номи йўқ... 1865 йилда Тошкент забт этилганидан сўнг, татарларнинг уйларидан кўп миқдорда топилган» [3.269.], – деб ёзади. Ушбу маълумот картошка ва помидор каби янги экин навлари немис-меннонитлар Туркистон минтақасига келишидан илгари маълум бўлганидан далолат беради.

Саратовка қишлоғидаги немис-меннонитлар қиш фаслида, яъни шахсий хўжалик ишларидан эркин бўлган пайтларда, Ашхабод шаҳрида бир кунлик меҳнат эвазига 50 – 80 тийин тўланадиган турли юмушларни ҳам бажариб тирикчилик қилишган. Сирдарё ва Каспийорти вилояти немислари ўз шахсий хўжаликларини ақл-идрок билан юритиб, ўзаро ва қўшнилар билан дўстона умргузаронлик қилишган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигида 106 минг уйлик (шундан 30 минг уйлиги туркманлар) аҳоли истиқомат қилиб, ҳар бир оилада ўртача 7 жон бўлса, жами: 742 минг киши бор эди. Хонлик ҳудудидаги бекликларда 1507 нафар руслар ҳам бўлиб, жумладан, Хива қалъасида – 80 нафар, Урганчда – 110, Тошҳовузда – 100, Қўнғиротда – 150, Садбарда – 300 нафар славянлар (рус, украин, беларус ва ҳ.к.) истиқомат қиларди.

Шунингдек, хонликда 137 нафар немис-меннонитлар ҳам яшаб, улар 1884 йилда Қипчоқ яқинидаги Илонтов деган жойга келиб ўрнашганлар. Ушбу немислар асли Германиянинг Марионбург ҳудудидан бўлиб, аввал Россияга, сўнгра хонликка кўчиб ўтган эдилар. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз II (1864 – 1910) немис-меннонитларни хонлик маркази Хива шаҳрига яқин бўлишлари учун Оқмасжид (Ҳақмасжид)га кўчиради [4]. Оқмасжид немислари томларни шифер қилиш, уйларга ойна ўрнатиш, фотосурат олиш, кинематография соҳасидаги янгиликларни олиб келишган. Ҳатто туркистонлик биринчи фотограф Худойбергановнинг устози ҳам оқмасжидлик немис-меннонит Пиннер номли шахс ҳисобланади. Улар Хива шаҳрида замонавий шифохона ва почтахонани бунёд этишди, «Жавон», «Зингер» тикув машиналарини Оқмасжидга олиб келишди. Мош, кунжут, ловия каби маҳаллий экинларнинг янги навларини яратдилар, улар моҳир дурадгорлар бўлиб, нақшинкор дарвоза ва эшиклар ясашган. Оқмасжид немис-меннонитлари ҳунармандчилик буюмларини ясашда хон ва унинг амалдорлари буюртмасини бажаришган. Туркистон минтақаси ва хонликдаги сиёсий жараёнларга қатнашмаган немислар товон тўлаб ўзларини ҳарбий хизматдан озод қилиб олишган. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик машғулотлари билан шуғулланган оқмасжидлик немис-меннонитлари ясаган буюмлар ҳозиргача сақланган. Улар совет ҳокимияти йилларида колхозларга бирлашишни истамади, кейинчалик тарқалиб кетиб, кўплари Тожикистонга кўчиб ўтишган. Оқмасжид (Хива шаҳридан 12 км узоқликда, ҳозирги Янгиариқ тумани-

да) немислари 1930 йилларда турли ҳудудларга тарқалиб кетадилар. Оқмасжидлик немис-меннонитлар ўзларининг тартиб-интизоми, миришкор деҳқон ва чорвадорлиги, моҳир уста-ҳунармандлиги, ҳалоллиги, одамохунлиги, тадбиркорлиги каби хислатлари билан маҳаллий аҳолида катта таассурот қолдирган.

Хулоса:

1. Россия империясининг 1860-йиллардан бошланган кўчирувчилик сиёсати туфайли минг-минглаб Европа миллат вакиллари, шунингдек, оз сонли бўлса-да, немис-меннонитлар ҳам Туркистон минтақаси ҳудудларига келиб жойлашдилар.

2. Немис-меннонитлар ўзларининг диний мазҳаби қоидаларига қатъий амал қилиб, ҳарбий-сиёсий жараёнлардан четда турдилар ва тинч-ижодий меҳнат билан шуғулландилар.

3. Немис-меннонитлар Туркистон минтақасидаги янги экин навларини жорий этишда, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик соҳасида муҳим роль ўйнадилар.

4. Немис-меннонитларнинг маҳаллий аҳоли билан самимий муносабати хўжалик юритишдаги тарихий тажрибаси миллатдошларимизга сезиларли таъсир ўтказди.

Адабиётлар:

1. Граф Головин. Колонизация Туркестана (Корреспонденция нового времени) // Туркестанский сборник; Том.542.– С.343–344.

2. Крестьянская колонизация въ Сырь-Дарынской области (Русская мысль; №2. За 1893) //Туркестанский сборник; Том.419.– С.3–4; 5–10.

3. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Т.1; Новый Маргелан; 1890. – С. 201–268.

4. Маткаримов С.А. Хива хонлигида нарх-наво, аҳоли ва солиқ // Ўзбекистон овози.- 2006.- 15 октябрь.

5. Собиров Н. Эгамназаров А. Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси.- Т., 2002.– 163 б.

6. Ғафуров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. – Т.: Фан; 2006. 223 бет.

Бухоро давлат университети,
2017 йил 22 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Б.Расулов)